

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 18 сентябрь, № 181 (6111) Пайшанба

# Изчил ислоҳотларнинг амалий ифодаси



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

*“Ўзэкспомарказ”мажмуасида “UzEnergyExpo — 2014” ва “UzStroyExpo — 2014” ихтисослаштирилган халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади. Мазкур тадбирлар “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзмахсусмонтажқурилиш” акциядорлик компаниялари, ЎзФА Энергетика ва автоматика институти, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги ҳамда “IEG Uzbekistan” кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.*





Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари қаторида энергетика ва қурилиш саноатида ҳам барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Айниқса, энергетика тизимида 2011 — 2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастур доирасида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилаётгани ўзининг юксак самарасини бераётир. Жумладан, ушбу дастурга кўра, 46 та инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар уларнинг аксарияти амалиётга татбиқ қилингани диққатга сазовордир.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “UzEnergyExpo” ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси эса республикамиз энергетика тизимида амалга оширилаётган бу каби янгиланиш ва ўзгаришлар билан хорижликларни яқиндан таништириш баробарида, ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

**Жорий йилнинг олти ойида республикамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми**

**17,4** фоиз ўсди. Бу юртимизда янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиб, уларда сифатли ва замонавий қурилишбоп маҳсулотлар тайёрланаётгани самарасидир.

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Бувайда туманида “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.*

### Бувайдалик ёшларга Президент совғаси топширилди

Тадбир Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида вилоят ҳокимлиги ҳамда “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди.

Турли соҳаларда салмоқли натижаларни қўлга киритаётган Фарғонанинг фаол ёшлари ва халқаро мусобақаларда катта ютуқларга эришаётган спортчилар қатнашган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда янги авлоднинг камол топиши йўлида беқиёс ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

**(Давоми 2-бетда).**

### Талабга муносиб таклиф

*Наманган шаҳридаги “Panda sanoat savdo” масъулияти чекланган жамияти бундан уч йил аввал атиги ўн нафар ишчи билан фаолият бошлаган эди.*

Айни пайтга келиб, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 50 нафарга етди. Уларнинг 25 нафари ўтган йили амалга оширилган модернизациялаш тадбирларидан сўнг жамоа сафига қўшилди.

Корхонани технологик янгилаш лойиҳаси рўёбида “Ҳамкорбанк” томонидан ажратилган 250 миллион сўм миқдоридаги кредит қўл келди. Пировардида хорижий дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилиши ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратилди. Ҳозир жамиятда уч турдаги вафли, печенье ҳамда икки турда конфет тайёрланмоқда.

— Талаб ва таклиф уйғунлиги асосида иш олиб бораяпмиз, — дейди корхона раҳбари Муҳаммаджон Одилов. — Жумладан, жорий йилнинг олти ойида ички бозорга 1,45 миллиард сўмлик маҳсулот чиқардик. Сифат устидан қатъий назорат ўрнатганимиз туфайли ширинликларимиз омборда туриб қолаётгани йўқ.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Компьютерлаштирилган дастгоҳлар ёрдамида

*Қарши шаҳридаги “Cotton Road” қўшма корхонасида компьютерлаштирилган дастгоҳлар ишга туширилиши ҳисобига тўқилаётган мато мустаҳкамлиги ва чўзилувчанлиги оширилди.*

Натижада бу ерда тўқимачилик ашёсидан замонавий спорт кийимлари, аёллар футболкалари ва бошқа тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш имконияти пайдо бўлди.

— Юқори тезликда ишловчи технологияларимиз ёрдамида конвейер усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона тикув цехи бошлиғи Ориф Бобомуродов. — Жорий йилнинг олти ойида 538 минг дона тайёр трикотаж маҳсулотини Россия, Беларусь ва Қозоғистондаги “Савдо уйлари” орқали буюртмачиларга етказиб бердик.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда 730 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада трикотаж маҳсулотлари, чойшаб, турли газламалар тайёрланмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### 122 та замонавий корхона ишга туширилди

*Питнак шаҳарчасидаги “Ҳазорасп чинни” масъулияти чекланган жамиятида вилоятда илк бор саноат асосида чинни буюмлар тайёрлаш йўлга қўйилди.*

Бу ерда ишлаб чиқариш жараёни ўзига хос. Хусусан, Фарғона водийсидан келтирилган махсус лой қолипловчи дастгоҳга қуйилади. Бежирим шаклга кирган хом ашё қуритилиб, пардозланади. Унга саноат усулида ранг ва гул берилади. Сўнгра 1300 даража иссиқликда 12 соат пиширилади.

Тадбиркор Отабек Рўзметовнинг шахсий сармояси ҳамда тўрт юз миллион сўмлик банк кредити ҳисобига ташкил этилган мазкур корхонада ҳозир 18 киши меҳнат қилаяпти. Жамоада ҳар куни 2,5 минг дона 6 турдаги чинни буюм тайёрланиб, ҳозиргача 50 минг дона сифатли маҳсулот савдога чиқарилди.

Жорий йил биринчи ярмида вилоятда 122 та ана шундай саноат корхонаси ишга туширилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

САЙЛОВ — 2014

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар вакилларига сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилди. Мазкур жараён сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда.

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИМЗО ТЎПЛАШНИ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин берилади.

Марказий сайлов комиссияси котиби Комилжон Одиловнинг таъкидлашича, Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

— Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур, — дейди К. Одилов. — Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига биноан, сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим қилиши шарт. Имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

**(Давоми 2-бетда).**

## Янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

Аввал хабар берилганидек, 16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

*Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилганидан кейин депутатлар мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.*

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан давом эттирди. Қонун лойиҳаси кредиторлар томонидан киритилган маблағларнинг қайтариш кафолатларини, корхона банкрот бўлганда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича талабларни кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларига мутаносиб равишда қондириш орқали уларнинг талабларини қондириш навбати тартибига ўзгартишлар киритиш асосида кучайтиришни назарда тутади.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш ҳисобига мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шундан сўнг депутатлар “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг атамалари ва ҳуқуқий нормаларини бир хилда қўллаш ҳамда улар турлича талқин қилинишининг, мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга кўра, “Метрология тўғрисида”ги ҳамда “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунларга тегишли тузатишлар киритиш назарда тутилган.

Депутатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар.

**(Давоми 2-бетда).**




## Инвестициявий жозибадорлик

хорижий сармоядорларнинг иқтисодиётимизга қизиқишини тобора оширмоқда

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва тубдан янгилаш бўйича белгилаб олинган устувор вазифаларнинг ижроси бевосита жалб этилаётган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Бироқ сармоя ўз-ўзидан келавермайди.

У барқарор ривожланаётган, инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланган, қисқача айтганда, инвестициявий жозибадорлик бўлган жойгагина йўналтирилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонимизда муҳайё қилинган бўлиб, бу истиқлол йилларида қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.



# Янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг кундалик турмушига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш изчил давом этмоқда. Зеро, АКТ ва улардан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматларнинг ҳаётга самарали татбиқ қилиниши ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча тармоқлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви илғор технологиялар тадбиркорларимиз томонидан нафақат ташқи, балки ички бозорларда ҳам кенг қўлланилишига олиб келади.

Қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда товарлар сотиш, ишлар бажариш ҳамда хизматлар кўрсатиш, шунингдек, электрон тижоратни амалга ошириш ва унинг иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмларни белгилаб қўйиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Электрон тижорат асосида ахборот тармоқлари воситасида амалиётлар шаффофлигини ошириш мумкин. Бу эса харидорлар ва сотувчиларга турли рақобатчилар томонидан таклиф этилаётган нархлар, маҳсулот сифати ва етказиб бериш шартлари тўғрисида бир лаҳзада ахборот олиш имконини яратади.

Қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

**Фахритдин СОЛИЕВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини янада оширади, маҳаллий товарларнинг чет эл бозорларига чиқиши учун электрон тижорат инфратузилмаси шакллантирилишида катта роль ўйнайди.

Бизнингча, қонун лойиҳаси мамлакатимиз компаниялари электрон шаклда бизнес билан шуғулланиши учун ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг замонавий воқеликлари ва истиқболларига мос самарали муҳитни вужудга келтириш, уларнинг маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан янада кенг ҳамкорлик қилиши, маҳсулотлари ҳамда хизматларини жаҳон бозорига изчил чиқаришга йўналтирилгани билан долзарбдир.

**Ҳафиза КАРИМОВА, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда нафақат товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш учун қулай шарт-шароит яратишга, балки электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашга ҳам қаратилгандир. Шу билан бир қаторда, қонун лойиҳаси халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори технологик бозор инфратузилмасини яратиш имконини беради. Ўз навбатида, бу аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилига айланади. Бу эса партиямизнинг дастурий вазифаларига тўлиқ муштаракдир.

Бугунги шароитда электрон тижорат учун қулайлик яратиш ҳамда уни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ташкилий, технологик ва қонунчилик масалаларини ҳал қилишда ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаси ушбу соҳанинг тегишли ваколатли орган томонидан тартибга солинишига доир норма билан тўлдирилмоқда, шунингдек, мазкур органнинг ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

**Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси замонавий ахборот технологияларининг миллий иқтисодиётимизга фаоллик билан жорий этилишини таъминлайди, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва хизматлар кўрсатувчиларига қулайроқ шарт-шароит яратиб беради.

Шу муносабат билан "Миллий тикланиш" демократик партияси электрон тижоратнинг ташкилий, технологик масалаларини ҳал этиш, ахборот хавфсизлиги ва электрон тижорат иштирокчиларининг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш, атама ва тушунчаларни таърифлаш, электрон тижоратда давлат харидларини амалга оширишда ягона ёндашув, шунингдек, хорижлик ҳамкорлар иштирокидаги битимларни тузишда қўлланиладиган тегишли ҳуқуқнинг таъминланиши тарафдоридир.

**Раъно ГАИМОВА, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Қонун лойиҳаси мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришни назарда тутади. Энг асосийси, ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо амалиётларининг шаффофлиги ошиб боради. Бу эса сотувчилар ва харидорларга қисқа вақт ичида шартномалар тузиш имконини беради. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат иқтисодиётнинг либераллашуви ва глобаллашуви шароитларида демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга ҳам қаратилган.

Шу билан бир қаторда, қонун лойиҳаси бозорнинг янги иштирокчилари пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, у қабул қилингач, кичик бизнес субъектлари халқаро бозорда самаралироқ рақобатлаша олади. Бизнингча, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг кундалик фаолиятида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилиши зарур.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси партиялар дастурлари ҳамда сайловчиларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда баҳс ва эркин мунозара руҳида ўтди. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга доир энг мақбул таклифлар ҳужжатларни маромига етказиш чоғида ҳисобга олинади.

Муҳокамаларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар юқорида қайд этилган қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ҳамда ҳужжатларни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул қўмиталарга топшириб, уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

**Саиджон МАХСУМОВ.**



# Изчил ислоҳотларнинг амалий ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буни жорий йилги анжуманда Хитой, Озарбайжон, Италия, Россия, Чехия, Жанубий Корея сингари давлатларнинг кўплаб етакчи компания ва фирмалари ўзларининг кичик электр станциялари, энергия таъминоти технологиялари, шунингдек, соҳа ривожига хизмат қилувчи энг сўнгги ишланмалари билан иштирок этаётганидан ҳам англаб олиш қийин эмас.

Айтайлик, "Марҳамат электротехника заводи" ҳамда Хитойнинг "Чжэцень Конки Электро" корхонаси паст вольтли электр ускуналарини намойиш қилаётган бўлса, Чехиянинг "Фанс", Италиянинг "VISA S.r.L" компаниялари мустақил равишда электр энергияси ишлаб чиқарувчи кичик электр станцияларини таклиф этишмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда дунё тажрибасида электр энергияси ишлаб чиқаришда янги, тежамкор усулларни қўллаш мақсадида шамол, денгиз тўлқинлари, биомасса, қуёш нури сингари муқобил манбалардан унумли фойдаланишга катта эътибор қаратилаяпти. Шу боис кўргазманинг ушбу йўналишга мўлжалланган бўлими ҳам қатнашчилар билан гавжум.

— Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилаётгани, бу ерда, айниқса, махсус иқтисодий зоналар ташкил этилаётгани биз, ишбилармонлар учун жуда қўл келмоқда, — дейди "EGL-NUR" қўшма корхонаси раҳбари Жи Хунг Сук. — Масалан, корхонамиз жорий йилнинг апрель ойида "Ангрен" махсус иқтисодий зонасида иш бошлаган эди. Қувонарлиси шундаки, ўтган давр мобайнида кўплаб ҳамкорлар топишга улгурдик. Яъни ҳозирги кунда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган 55-185 ваттли кўча чироқларини "Ўзбекэнерго" ДАК тизимидаги барча корхоналарга етказиб бераяпмиз. Бозорни ўрганиб, шунга амин бўлаяпмизки, бизнинг маҳсулотларимизга талаб жуда юқори. Шуни ҳисобга олиб, келгусида бошқа тармоқлар корхоналари ва хонадонлар учун ҳам тежамкор лампалар ишлаб чиқаришни режалаштираяпмиз.



Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида қайд этилганидек, жорий йилнинг олти ойида республикамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 17,4 фоиз ўсди. "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра эса, ушбу давр ичида тизим корхоналари томонидан ташкилотларга 3 миллион 618 минг тонна цемент, 30,6 минг тонна гипс, 24,2 минг тонна қуруқ аралашма, 12,4 млн.кв.м гипскартон плиталари, 81,5 минг кв.м керамик плиткалар етказиб берилди. Буларнинг бари юртимизда янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил қилиниб, уларда қурилишбоп маҳсулотлар тайёрланаётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда қўлга киритилаётган бундай ютуқлар тўртинчи бор ўтказилаётган "UzStroyExpo" халқаро кўргазмасида ҳам ўз аксини топган, десак, муболаға бўлмайди. Чунки мазкур тадбирда соҳага ихтисослаштирилган хорижий ва маҳаллий компаниялар нафақат ўз техника ёки маҳсулотларини, балки қурилиш борасидаги хизматларини ҳам кенг тарғиб этмоқда.

Мухтасар айтганда, халқаро кўргазмаларда иштирокчиларга соҳадаги янгиликларни кўздан кечириш, уларни амалиётга жорий қилиш, музокара юритиб, шартномалар имзолаш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эса, ўз навбатида, тадбирнинг ишчан руҳда, самарали кечиши учун қулай имкониятдир.

Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалар жорий йилнинг 19 сентябрига қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИМЗО ТЎПЛАШНИ БОШЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу жараёнда сиёсий партиялар вакилларининг қатнашишига ҳам рухсат этилади, — дейди К. Одилов. — Сайловчилар имзоси сохталаштирилган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси ушбу сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида якуний қарор қабул қилади. Сайловда қатнашувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб, марказий матбуотда эълон қилинади.

Эслатиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда 2014 йилнинг 15 сентябридан парламент қуйи палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси расман бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 21 декабрда ўтказилади. 135 нафар депутат ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. 15 депутатлик ўрни эса Ўзбекистон экологик ҳаракатига берилган.

**(ЎзА).**

# Бувайдалик ёшларга Президент совғаси топширилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, бугун Фарғона вилоятидаги 919 та умумтаълим мактаби, 157 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, бешта олий ўқув юртида ёшларимиз замонавий илм-фан сирларини пухта эгаллашмоқда. Эътиборлиси, ўтган даврда яна учта мусиқа ва санъат мактаби қуриб битказилди. Йигирмадан ортиқ мактаб бинолари мукаммал таъмирдан чиқарилиб, еттита спорт иншооти бунёд этилди.

Фестиваль доирасида бир гуруҳ ёшлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Бувайда тумани ёшларига эса Президентимиз совғаси — "ISUZU" автобуси топширилди.

Тадбир якунида уюштирилган гала-концерт иштирокчиларга хушкайфият улашди.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Фаолият янада кенгаяди

*"Мурувват-текс" масъулияти чекланган жамиятининг Зоминдаги тикувчилик фабрикасида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, шундан 90 фоизи ташқи бозорга сотилмоқда.*

## ИНТИЛИШ

— Фаолиятимизни янада кенгайтириш чораларини кўраяпмиз, — дейди корхона ижрочи директори Ёрбек Абдураҳимов. — 2015 йилнинг ўзида ишлаб чиқариш ҳажмини камида 50 фоиз оширишни режалаштирганмиз. Шу билан бирга, янги иш ўринлари ҳам яратилади.

Айни пайтда Япониядан олиб келинган замонавий тикув дастгоҳларини 130 нафар зоминлик хотин-қиз моҳирлик билан бошқариб, ўндан ортиқ турдаги бежирим кийим-кечакларни тикишмоқда.

**Тожиддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

## ёки мулкдор бўламан, деганларга кенг имкониятлар

*Бугун Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлидан жадал одимламоқда. Бу Истиқлолнинг дастлабки йилларида бевосита Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва дунё мамлакатлари томонидан тараққиётнинг "ўзбек модели" дея тан олинган ислоҳотларнинг юксак натижасидир. Бундай юксак самарадорликка эришишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, турли мулкчилик шаклларини ривожлантириш, мулкдорларнинг манфаатдорлигини ошириш борасида кўрилаётган тизимли чора-тадбирларнинг аҳамияти беқиёс, албатта. Бошқача айтганда, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолати бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидандир.*

## ҚАРОР ВА ИЖРО

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2014 йил 3 июлдаги "Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарувчи навбатдаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Чунки ушбу ҳужжатда нафақат бўш турган ва фойдаланилмаётган 595 та давлат мулки объекти ва 305 гектардан ортиқ майдондан самарали фойдаланиш чоралари белгилаб берилди, шу билан бирга, унда давлат мулки объектларини тасарруф этишнинг янги шаклларини татбиқ қилиш бўйича устувор вазифалар ҳам ўз аксини топди.

Мазкур қарорга кўра, ваколатли давлат органларининг хулосасига асосан, 299 та фойдаланишга яроқсиз бино-иншоотни бузиш, бунинг натижасида бўшайдиган ер майдонларини маҳаллий ҳокимликлар захирасига ўтказиш вазифаси юклатилди. Айни чоғда 185 та давлат объектини хусусийлаштириш, шу жумладан, улардан 121 таси инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратиш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан "ноль" қийматда тадбиркорлик субъектларига берилиши белгилаб қўйилди.

Қарорда қайд этилишича, 64 та фойдаланилмаётган давлат мулки объектининг 11 таси Фарғона, 10 таси Андижон, 9 таси Сурхондарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Риштон тумани ҳокимликлари, "Қўқон иссиқлик манбаи", "Данғара ифтихори", "Фарғонадавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхоналари, Хонобод ва Марҳамат туманлари ҳокимликлари, Олтинкўл, Асака, Балиқчи туманлари тиббиёт бирлашмалари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Андижон вилояти бошқармаси, Термиз шаҳар, Денов ва Музработ туманлари ҳокимликлари, Қизириқ тумани давлат солиқ инспекцияси, давлат кадастри ва ер ресурслари бўйича бошқарма балансидаги бўш турган объектлар ана шулар жумласидандир.

Ангрен шаҳри, Навоий кўчасида жойлашган собиқ "Резинотехника" ОАЖ, "Химик" санаторий-профилакторийнинг бўш турган бинолари, Бўка туманидаги "Б. Умаров" фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган тўқув фабрикасининг қурилиши тугалланмаган биноси, Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани Тим қишлоғидаги собиқ автогараж биноси эса сармоядорларга тегишли шартлар асосида "ноль" қийматда таклиф этилади.

Гап шундаки, Президентимиз қароридан кўзланган асосий мақсад қаровсиз ҳолда бўлган бино ва иншоотлар негизида замонавий, рақобатбардош маҳсулотларни тайёрловчи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб, қўшимча иш ўринларини яратишдир. Бу эса, ўз навбатида, бозорларимизни харидоргир ва импорт ўрнини босувчи кўплаб янги турдаги товар ҳамда маҳсулотлар билан бойитиш, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини бундан-да юксалтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қарорда давлат эгалигидаги бўш турган ва зарур ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган ер участкалари ҳам аниқланиб, уларни маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратиб берган ҳолда, кичик саноат ҳудудларининг ташкил этилиши белгиланганлиги тадбиркорлик фаолиятини, пировардида ҳудудларни комплекс ривожлантиришда айни муддаодир. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, республикамизга хос бир таомил, яъни ер участкаларини ажратиш орқали улар асосида кичик саноат ҳудудларини ташкил этиш механизми бошқа давлатлар амалиётида учрамайди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур саноат зоналарида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган ташқи муҳандислик тармоқларига уланиш тегишли мутасадди ташкилотлар ресурслари ҳисобидан қопланишининг белгилаб қўйилганлиги давлат томонидан бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янгича кўриниши ва мамлакатимизда инвесторларга кенг имконият яратиб берилаётганлигининг ёрқин намунасидир.

Президент қарорининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибларини соддалаштиришга қаратилган тегишли меъёр ва тадбирларнинг белгиланганлиги билан изоҳланади. Масалан, давлат активларини "ноль" қийматда оммавий савдолар орқали сотишни амалга ошириш ҳақидаги эълонларни ушбу тадбир ўтказилишидан 2 ой олдин эмас, балки 1 ой аввал республика ва маҳаллий нашрларда чоп этиш кўрсатилган. Иккинчидан, давлат мулки объектларининг танлов савдолари орқали "ноль" қийматда берилишини амалга оширишнинг шартлари сифатида инвестиция мажбуриятидан ташқари, янги иш ўринларини яратиш ва бажарилган инвестиция мажбурияти қабул қилинган санадан эътиборан бир йил мобайнида ушбу иш жойларини сақлаб қолиш зарурлиги қайд этилган. Қолаверса, оммавий савдоларга чиқарилган давлат мулки объектларига 6 ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, унинг қиймати босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтириш йўли билан умумий қийматнинг 50 фоизигача камайтирилиши мумкинлиги ҳам диққатга сазовордир.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарорнинг тўла-тўкис ижросини таъминлаш мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали иқтисодиётимиз равнақини янада мустаҳкамлаш, юртимизнинг барча ҳудудларида минглаб янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Жўрабек АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хусусийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи.**



Навоий: Хатирчи туманидаги "Хатирчи пилла хазинаси" хусусий корхонасига қарийб 95 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, бу ерда ипак толаси тайёрлаш йўлга қўйилди.

# Экспортчи тадбиркорлар кўпаймоқда

*Қулай инвестициявий муҳит тадбиркорлик ривожида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда ишбилармонлар, кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

КИЧИК БИЗНЕС

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами кенг. Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Термиз бўлими ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят филиали ташкил этилгани мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Айни пайтда филиал ходимлари Корея Республикаси, Хитой, Ҳиндистон каби бир қатор хорижий давлатлар билан яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш асносида ташқи бозор талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, хорижий ҳамкорлар топиш борасида маҳаллий тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланиб бораётир. Хусусан, ўтган давр мобайнида филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектининг 8 нафар вакилига жаҳон бозорига чиқиш юзасидан ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада улар 18,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномалари тузишга эришиб, жорий йилнинг ўтган даврида 16,5 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни чет эллик буюртмачиларга етказиб беришди.

Чунончи, Шеробод туманидаги "Хомкон Шеробод Тараққиёт" фермер хўжалиги ана шундай амалий кўмак туфайли ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бораяпти.

— Юртимизда тадбиркорлар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган, — дейди мазкур хўжалик раҳбари И. Мардаев. — Мана, вилоятимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси филиали ташкил этилиши билан имкониятларимиз кўлами янада кенгайди. Яқинда ушбу филиал кўмагида Ҳиндистонга 180 минг долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоладик. Қисқа муддатда буюртманинг 53,8 минг АҚШ долларилик қисми бажарилди. Келгусида экспорт жуғрофиясини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Дарҳақиқат, юксак эътибор ва рағбат — улкан муваффақиятларнинг мустаҳкам пойдеворидир. Шу маънода, жамғарма филиали томонидан вилоятдаги экспорт салоҳиятига эга корхоналарга хом ашё базасини шакллантириш ва маҳсулотларини хорижга сотиш учун фоизсиз маблағлар ажратилиши улар фаолиятининг янада жадал ривожланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ.**


## «Universal Realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 12 сентябрдаги 116-П-сонли буйруғига асосан, қуйидаги давлат активи қўйилади: Нукус шаҳри, Ерназар Алакоз ва Т. Қайипбергенов кўчалари кесишувида жойлашган қурилиши тугалланмаган 2 қаватли бино.

Аукцион савдосига қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони 1390,40 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 837 483 017 сўм.***

Балансда сақловчи — Қорақалпоғистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.

Фаолият ихтисоси — давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уй, Қорақалпоғистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси биноси мажлислар залида ўтказилади. Талабгорлардан буюртманомалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона. Буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 17 октябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги давлат активи 2014 йил 20 октябрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 4, 19 ноябрь, 4 декабрь кунлари юқорида кўрсатилган манзилда соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдолари бўйича талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 3 ноябрь, 18 ноябрь, 3 декабрь кунлари соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг давлат активи бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг АТБ «Турон» банки Нукус филиали, МФО: 00585, СТИР: 302269399, 20208000204975228007 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома, закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси. Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

**Қўшимча маълумот ва мурожаат учун манзил:**
**Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона.**
**Тел./факс: (+99861) 222-11-73. www.realtor.uz. E-mail universal.realtor@mail.ru**
**Хизматлар лицензияланган.**

1479А/773



## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2014 йил 21 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

- ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2013 йил 12 сентябрдаги 02-60-сонли ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 057 TTA.

***Бошланғич баҳоси — 14 450 000 сўм.***

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 21 июлдаги 1-344-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 F 644 FA.

***Бошланғич баҳоси — 23 370 000 сўм.***

- ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 20 майдаги ижро варақасига асосан, Ангор тумани СИБ томонидан хатланган, Ангор тумани ИИБ ЙҲХБда сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Iveco» русумли (юк ташувчи), давлат рақами JB 1872.

***Бошланғич баҳоси — 75 220 489 сўм.***

- ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 20 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «Schmitz» русумли рефрижератор, давлат рақами N 7191.

***Бошланғич баҳоси — 44 705 635 сўм.***

- ФИБ Денов туманлараро судининг 2014 йил 20 мартдаги 1-744-сонли ижро варақасига асосан, Шўрчи тумани СИБ томонидан хатланган, Шўрчи тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Ласетти» русумли, давлат рақами 75 755 CAA.

***Бошланғич баҳоси — 37 583 097 сўм.***

- Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 26 мартдаги 1207-2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани МТПда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган «Case-2166» русумли, давлат рақами 69-58 СМ ва 1996 йилда ишлаб чиқарилган «Case-2166» русумли, давлат рақами 69-60 СМ бўлган ғалла комбайнлари.

***Умумий бошланғич баҳоси — 193 750 000 сўм.***

**2014 йил 3 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

- Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 10 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар «Ўзбек Сурхон» МЧЖ омборхонасида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ 21099» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 3 290 000 сўм.***

- ЖИБ Денов тумани судининг 2013 йил 29 октябрдаги 02-80-13-сонли ижро варақасига асосан, Денов тумани СИБ томонидан хатланган, Денов тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган,1974 йилда ишлаб чиқарилган, «М-426» русумли, давлат рақами 19 G 62 59, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 322 660 сўм.***

- ЖИБ Денов тумани судининг 2014 йил 8 январдаги 1-341-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 75 F 936 DA.

***Бошланғич баҳоси — 3 221 592 сўм.***

- ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 21 майдаги 1-86-сонли ижро варақасига асосан, Шўрчи тумани СИБ томонидан хатланган, Шўрчи тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 75 H 799 DA.

***Бошланғич баҳоси — 8 406 781,80 сўм.***

- Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 19-1207/20689-сонли ва 2013 йил 3 майдаги 19-1303/3657-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Кўклам маҳалласида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai Santa Fe» русумли, давлат рақами 75 101 DAA.

***Бошланғич баҳоси — 77 517 732,52 сўм.***

- ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 22 апрелдаги 4112-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Лайлакхона» МФЙда сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 19 E 37 56.

***Бошланғич баҳоси — 3 508 920 сўм.***

- ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 29 майдаги 1-68-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21011» русумли, давлат рақами 75 O 824 DA.

***Бошланғич баҳоси — 2 573 208 сўм.***

Мазкур автотранспорт воситалари 2014 йил 3 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 21 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси.**
**Мурожаат учун телефон: (+99891) 577-03-00.**

*Гувоҳнома № 004059.*

1482А/165



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2015 йил учун**
**катта илмий ходим-изланувчи ҳамда мустақил изланувчиликка**
**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИ**
**(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)**

- **07.00.10** — **Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи** — 1 ўрин.
- **07.00.11** — **Миллий хавфсизлик муаммолари** — 2 ўрин (тарих, ҳуқуқ, иқтисод йўналишлари бўйича).
- **08.00.13** — **Менежмен**т — 2 ўрин (стратегик менежмент ва қарорлар қабул қилиш назарияси йўналишлари бўйича).
- **12.00.01** — **Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи** — 1 ўрин.
- **12.00.02** — **Конституциявий ҳуқуқ ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи** — 1 ўрин.

***Талаб қилинадиган ҳужжатлар:***

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуи бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта) ҳамда тезислар (камида иккита) нусхаси;
- илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди дипломига эга талабгорлар бундан мустасно);
- илмий консультант сифатида етакчи олимлардан бирининг ёзма розилиги.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

***Қабул имтиҳонлари рўйхати:***

- мутахассислик;
- Ўзбекистон тарихи;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси;
- информацион технология асослари;
- чет тили.

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИ:**
**(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)**

- **07.00.10** — **Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи** — 1 ўрин.
- **07.00.11** — **Миллий хавфсизлик муаммолари** — 2 ўрин (тарих, ҳуқуқ, иқтисод йўналишлари бўйича).
- **08.00.13** — **Менежмент** — 2 ўрин (стратегик менежмент ва қарорлар қабул қилиш назарияси йўналишлари бўйича).
- **12.00.01** — **Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи** — 1 ўрин.
- **12.00.02** — **Конституциявий ҳуқуқ ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи** — 1 ўрин.

***Талаб қилинадиган ҳужжатлар:***

- ариза;
- иш жойидан тавсифнома;
- маълумотнома;
- олий таълим ёки фан номзоди даражаси тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- талабгорнинг илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.**
**Мурожаат учун телефон: (8-371) 232-61-42.**
**Электрон манзил: www.dba.uz**

1375А/727



## Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

**2015 йил учун катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов эълон қилади:**

эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; назарий физика; юқори молекуляр бирикмалар; биокимё, биофизика, радиобиология; зоология, энтомология ва ихтиология; одам ва ҳайвонлар физиологияси; муҳандислик геологияси; геофизика, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари; минералогия, кристаллография; математик моделлаштириш, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари; Ўзбекистон тарихи; тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари; иқтисодиёт назарияси; макроиқтисодиёт; минтақавий иқтисодиёт; онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси; ўзбек тили; ўзбек адабиёти; тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси; қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, лингвистик таржимашунослик; журналистика; табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; иқтисодий ва ижтимоий география; аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси; ижтимоий психология, этнопсихология.

**Талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддатлари, талаб этиладиган ҳужжатлар ва топшириладиган имтиҳонлар рўйхати қуйидагилардан иборат:**

**1.** Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

**2.** Катта илмий ходимлар-изланувчилар ҳамда мустақил изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар олий таълим муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунига қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуи бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертация режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ҳамда нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги. Бунда тавсия этилган мавзулар базасидан танлаб олинган мавзу бўйича, қоидага кўра, ушбу низомнинг 8-бандига мувофиқ, мазкур мавзуни таклиф этган етакчи олим илмий консультант бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**3.** Катта илмий ходим-изланувчи ҳамда мустақил изланувчи сифатида ўқиш учун кираётган шахслар Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассислик бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

Фаннинг тегишли йўналишлари бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар мутахассислик бўйича кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинадилар.

**4.** Кириш имтиҳонлари 2014 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

**Маълумот олиш учун университетнинг илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, маъмурий бино, 3-қават, 38-хона.**
**Телефон: (8-371) 246-74-35.**

1430А/750



## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*2014 йил 21 октябрь куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 26 ноябрдаги 10-1218/20903-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Тошкент халқаро аэропорти» ДУК биносида сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:*

- AKFАдан ясалган савдо растаси, умумий майдони 42,15 кв.м.
  Бошланғич баҳоси — 22 317 737,16 сўм.
- 1 дона тунги ёритқич чироқ.
  Бошланғич баҳоси — 120 000 сўм.
- 1 дона электрон ҳисоблагич.
  Бошланғич баҳоси — 31 500 сўм.
- 1 дона электр мосламаси (щит).
  Бошланғич баҳоси — 292 500 сўм.
- Электр симлари.
  Бошланғич баҳоси — 231 000 сўм.
- 6 дона кўргазма шкафи (витрина).
  Умумий бошланғич баҳоси — 5 400 000 сўм.
- 3 дона кўргазма шкафи (дорихона витринаси).
  Умумий бошланғич баҳоси — 1 650 000 сўм.
- 1 дона 2 табақали шкаф.
  Бошланғич баҳоси — 175 000 сўм.
- 1 дона ёзиш столи.
  Бошланғич баҳоси — 175 000 сўм.
- 1 дона телефон тумбаси.
  Бошланғич баҳоси — 240 500 сўм.
- 1 дона шкаф.
  Бошланғич баҳоси — 150 000 сўм.
- 1 дона 2 табақали шкаф (3 секцияли).
  Бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.
- 1 дона кресло (кичик).
  Бошланғич баҳоси — 112 500 сўм.
- 1 дона компьютер (Pentium 4).
  Бошланғич баҳоси — 117 000 сўм.
- 1 дона «CANON 1120» русумли принтер.
  Бошланғич баҳоси — 198 000 сўм.
- 1 дона «NORD» русумли бир камерали музлаткич.
  Бошланғич баҳоси — 490 000 сўм.

Юқоридаги мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 20 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Ҳамза филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги хақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

1480А/165

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:**
**Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Телефон: (8-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**




Самарқанд шаҳрида "Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари — Ал-Хоразмий — 2014" IV халқаро илмий конференцияси бўлиб ўтди.

# Спорт

*Бўстонлиқ туманидаги “Аллюр” от спорти клуби яна бир нуфузли халқаро турнирга мезбонлик қилди. Бу ерда уч кун давомида спортнинг чавандозлик тури бўйича анъанавий “Challenge” жаҳон кубоги мусобақасининг сиртқи босқичи бўлиб ўтди.*

## Чавандозлар беллашуви



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон от спорти федерацияси ҳамда Халқаро от спорти федерацияси (FEI) ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу турнирда элликка яқин чавандоз майдонда от сурди.

— Айни пайтда мамлакатимизда спортнинг мазкур тури тобора оммалашиб, ёш чавандозларимиз халқаро майдонлардан нуфузли совринлар билан қайтишмоқда, — дейди Ўзбекистон от спорти федерацияси ижрочи директори Ж. Турдиматов. — Бу, албатта, юртимизда спортга, хусусан, унинг бутун дунёда кенг эътироф этилган от спорти турини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир. Худди шу эътибор ва ғамхўрлик туфайли Тошкент шаҳрида от спорти бўйича республика Олий спорт маҳорат мактаби, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент ва бошқа вилоятларда от спорти бўйича махсус клуб ҳамда мактаблар фаолият юритмоқда.

Турнирда чавандозлар мазкур спорт турининг энг жозибадор йўналишларидан бири — баланд тўсиқлардан от сакратиш бўйича ўзаро баҳс олиб бордилар. “Б” гуруҳидан ўрин олган 15-18 ёшлилар баҳсида ўзининг “Демилон” лақабли тулпори билан майдонга чиққан ёш чавандоз Оқил Собиржонов биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, кейинги тоифада “Ромиро” лақабли оти билан иштирок этган Аъзам Толиббоевга тенг келадигани топилмади. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Азиз Содиқов, Ғайрат Назаров, Саидамирхон Турғунбоев, Темур Азизов маҳорати ҳам юқори баҳоланди.

Айтиш жоизки, ушбу турнир чавандозларимиз учун 2015 йили Болгарияда ташкил этиладиган от спорти бўйича жаҳон кубоги мусобақаси финалида қатнашиш учун дастлабки муҳим синов вазифасини ўтади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Соғлом ҳаёт сари

*Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларни спортга кенгроқ жалб этиш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.*

Пойтахтимизда стол тенниси бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди кубоги ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси бўлди.



Мусобақа “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси, стол тенниси федерацияси, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда 40 нафар ўғил-қиз истеъдоди ва маҳоратини намойиш қилди.

Дарҳақиқат, юртимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, имконияти чекланган ёшлар ўртасида ҳам соғлом ҳаётга интилиш юксалиб, улар ўртасида жисмоний тарбия билан шуғулланишга бўлган қизиқиш ортиб бораётир. Бунинг натижаси эса паралимпиячиларимиз томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғида ўз ифодасини топмоқда.

Мусобақада ўғил болалар ўртасида Сардор Худоёрбеков, Асад Бекмирзаев, Қиличбек Ўролов, қизлар беллашувида Озода Тўрабоева, Ҳуснора Туропова ва Мукаррам Турсунова ғолиб ҳамда совриндорлар сафидан жой олди.

Якунда барча иштирокчига ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Бунёдкорлик салоҳияти ва табиат уйғунлиги

юртимиз қиёфасини ўзгартириб, унга беқиёс кўркамлик бағишламоқда

Кеча пойтахтимизда гуллар, ландшафт архитектураси ва дизайнига ихтисослаштирилган “Тошкент — Флора — 2014” ҳудудий кўргазмаси очилди.

**«ТОШКЕНТ — ФЛОРА — 2014»**



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар компанияси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари беқиёс даражада ўзгариб, кўркамлашиб бораётир. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассамлаштирган муҳташам иншоотлар, тураржойлар, йирик саноат корхоналари, таълим ва шифо масканлари, равон кўчалар ҳамда кўприклар барпо этилмоқда. Бундай улкан қурилиш ишларини амалга ошириш чоғида юртимизнинг табиий иқлим шароити инобатга олинган ҳолда, ландшафт архитектураси ва дизайнидан моҳирлик билан фойдаланилаяптики, пировардида тугал меъморий ечим топилмоқда.

Ландшафт архитектураси ва дизайни биз учун нисбатан янги соҳа бўлиб, у кейинги йилларда жадал суръатларда ривожланаяпти. Табиийки, бунда давлатимиз томонидан соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқимизнинг бунёдорлик салоҳияти юксалиб бораётгани муҳим омил бўлаётир. 2001 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу кўргазма эса бу борадаги янгиликларни намойиш қилиш, соҳа мутахассислари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, хориж тажрибасини ўрганишда қўл келаяпти.

— Инсон тафаккури, меҳнат ва табиат уйғунлиги мужассам бўлмиш ландшафт архитектураси ижодий фаолият маҳсулидир, — дейди “Seedxpetrs” хусусий корхонасининг ландшафт дизайнери Камола Исломова. — Уни барпо этишда табиий материаллар — ер, сув, ўсимликлар дунёсидан фойдаланилади.

Кўргазма залларини айланган киши ўзини жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг гўзал боғлари, сўлим водийлари, чаман бўлиб очилган гулзорларида юргандек ҳис қилади. Чунки гулчилик, боғдорчилик, ландшафт дизайни учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар ўз ижод намуналари асосида шундай ажиб манзаралар яратишганки, бунга қойил қолмасликнинг сираям иложи йўқ. Хусусан, Зангиота туманидаги “Миришкор Сайфуддинова Хонзода” фермер хўжалигида етиштирилган камалак рангидаги атиргулларнинг олдидан бефарқ ўтиб кетолмайсиз. Гулларнинг чор-атрофга таралган хуш бўйи сизни ўзи томон чорлайверади.

— Фермер хўжалигимизда ландшафт архитектураси ва дизайнида фойдаланиладиган манзарали дарахтларнинг 80, мевали дарахтларнинг 50, атиргулларнинг 100 дан зиёд тури етиштирилади, — дейди фермер Фахриддин Сайфиддинов. — Уларга нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Масалан, йилига 300 минг тупга яқин атиргул кўчатларини экспорт қиламиз. Кўргазма эса янги ҳамкорлар топиш, экспорт географиясини кенгайтириш имконини бераяпти.

Ландшафт дизайнининг нозик томони шундаки, бинонинг меъморий ечимидан келиб чиқиб, қаерга қандай дарахт, бута, гул ёки майса турини, қанча миқдорда, қандай усулда, яъни манзаравий ландшафт композицияси асосида экиш лозимлиги каби ҳар бир кичик жиҳат ҳам эътиборда туриши керак. Кейинги йилларда у замонавий қарашлар билан янада бойиб бораётгани янгилик яратишга ундаяпти.

Уч кун давом этадиган нафосат анжуманига ташриф буюрганларга шу каби ранг-баранг маҳсулотлар билан яқиндан танишиш, шу ернинг ўзида шартнома тузиш учун барча шарт-шароит яратилгани диққатга сазовордир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хорижлик олимлар юртимиз тарихини ўрганишмоқда

*Термиз шаҳрида республикамизда олиб борилаётган археологик қазишмаларни ўрганишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти ҳамда Термиз археология музейи ҳамкорлигида ўтказилган ушбу анжуманда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан тарихшунос олимлар ва тадқиқотчилар қатнашди.*

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ**

Унда Ўзбекистон ҳудудида қадимий давлатчилик ва унинг дунё тарихида тутган ўрнига доир қатор маърузалар тингланди.

— Юртингиз жуда узоқ ва бой ўтмишга эга, — дейди франциялик профессор Пьер Лериш. — Шу боис йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида ўзбек олимлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Бугунги кунда бешта ўзбек — француз экспедицияси археологик қазишма ишларини олиб бормоқда. Шу асосда вилоятнинг археологик харитаси тузилиб, 350 та объект рўйхатга олинди. Хусусан, Эски Термиз шаҳри харобаларида амалга оширилган қазишмалар жараёнида топилган қадимий ашёлар бугунги кун илм-фани учун муҳим маълумотлар ҳадя этди. Тадқиқотларни янада фаоллаштириш ҳамда ноёб тарихий топилмаларни чуқурроқ ўрганиш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Шу жиҳатдан мазкур анжуманнинг айнан Термиз шаҳрида ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Айтиш кераки, Эски Термиз шаҳри 500 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда археологлар томонидан учта асосий секторда қазишмалар олиб борилди. Кўплаб қимматли маълумотлар қўлга киритилди.

— Ушбу ҳамкорликнинг аҳамияти шундаки, — дейди Термиз археология музейи директори Исмоил Ботиров, — ўзбек — француз археологик миссияси тадқиқотлари натижалари ҳақида халқаро илмий нашрларда кўплаб мақолалар берилди, махсус монографиялар чоп этилди. Топилган ашёлар Археология институти захиралари, юртимиз музейлари фондининг ноёб экспонатлари қаторидан жой олди.

Шунингдек, мазкур халқаро тадбир доирасида Термиз археология музейида “Сурхон воҳасининг қадимги санъати дурдоналари: янги тадқиқотлар ва топилмалар” деб номланган кўргазма ҳам ташкил этилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**КЎРГАЗМА**

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида “Рангларда она-юрт жамоли” деб номланган кўргазма ташкил этилди.*

## Тасвирларда юрт манзаралари



Унда қорақалпоғистонлик йигирмадан зиёд рассомларнинг мустақиллик йилларида юртимизда эришилган ютуқлар, она-Ватанимизнинг бетакрор манзаралари, қадриятлари, тарихи ва бугуни акс этган асарлар намойиш қилинмоқда.

Хусусан, Б. Серекеевнинг “Бердақ Орол бўйида”, “Карвон”, С. Байбўсиновнинг “Қора қумғонли натюрморт”, В. Ҳалимовнинг “Чилпиқ”, С. Салимовнинг “Овул кўриниши”, С. Қутлимуратовнинг “Аёзқалъа” асарлари кўргазмага ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**«REAL AUKSION» МЧЖнинг**

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 6 сентябрдаги 173 (6103)-сонида чоп этилган эълонига ўзгартириш киритилиб, қуйидагича ўқилсин:

Аукцион савдосига «Асака» банкининг 2014 йил 27 августдаги ДУ-19-23/5030-сонли хатига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23-уйда жойлашган, «Асака» банкининг ДХО «Asaka o‘quv kompleksi»даги 100% улуши қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 434 450 000 сўм.***

Аукционда сотилаётган объектни харид қилиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 5 (беш) йилдан ошмаслиги лозим.

Аукцион савдолари ғолиби — сотиб олувчи Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Асака» банкининг ДХО «Asaka o‘quv kompleksi»даги 100% улушини сотиб олиш тўғрисидаги ижобий қарорини олиши шарт.

Аукцион савдоси 2014 йил 6 октябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Юқоридаги мулк 2014 йил 6 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Талабгорлар аукцион савдосига қўйилган мулк билан «Асака» банкининг тегишли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Real auksion» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.**

1491A/1090

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Самарқанд вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 18 943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 948 447 448 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 6 октябрь куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулк 2014 йил 8 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтади. 2014 йил 24 октябрдаги савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 22 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Маҳмуд Қошғарий к., 58-уй.Тел.: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1494A/1453

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2015 ЙИЛ УЧУН**
**катта илмий ходим-изланувчи ҳамда мустақил изланувчи қабулини эълон қилади:**

08.00.07 — Молия ва кредит

08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби

***Ҳужжатлар — 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.***

**Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Телефон: (8-371) 237-52-91. website: www.bfa.uz**

1396A/730

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

02




Тошкентда “Шаҳримизни биргаликда обод этайлик!” шиори остида анъанавий веломарафон бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон экологик ҳаракати ва ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
***Девонхона 233-52-55;***
***Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.***

ISSN 2010-8788



**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**



**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.**
**Навбатчи — З. Худойшукуров.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.** **ЎзА якуни — 22.00** **Топширилди — 22.30** 1 2 3 4 5